

## “ШАҲРИСАБЗ ШАҲРИДА КАСБ-ХУНАРГА ЎҚИТИШ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА КАСБ-ХУНАРГА ЎҚИТИШ САЛОҲИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ БЎЙИЧА КОНСАЛТИНГ” ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДАГИ БИРИНЧИ ФОРУМИ

2017 йилнинг 16 февраляда Ўзбекистон Республикаси Мехнат вазирлиги ва Корея Халқаро Ҳамкорлик Агентлиги (КОICA) ҳамкорлигига Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси хукуматлари ўртасида 2014 йилнинг августида имзоланган Келишув доирасида “Шаҳрисабз шаҳрида Касб-хунарга ўқитиш марказини ташкил этиш ва Ўзбекистонда касб-хунарга ўқитиш салоҳиятини кучайтириш бўйича консалтинг” лойиҳасининг ижросига бағишиланган Форум бўлиб ўтди.

Форум ишида Ўзбекистон Республикаси Мехнат вазiri А.Абдуҳакимов, Корея Халқаро Ҳамкорлик Агентлиги (КОICA)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори Им Джонг Хи, лойиҳа ижросида иштирок этаётган вазирлик ва идораларнинг расмий вакиллари ҳамда Корея Республикасидан ташриф буюрган эксперtlар иштирок этишди.

Форумда Мехнат вазiri А.Абдуҳакимов меҳмонларни қутлар экан, Ўзбекистон ва Корея Республикалари ўртасидаги узоқ муддатга мўлжалланган ўзаро стратегик ҳамкорлик доирасида қўлга киритилаётган самарали натижага ва ютуқларга, икки халқ ўртасидаги биродарлик ришталарининг янада кучайиб бораётганини ва амалга

оширилаётган лойиҳалар Ўзбекистон иқтисодиётининг тараққиётида муҳим ўрин тутаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Шу билан бирга, А. Абдуҳакимов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта



устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”да белгилаб берилган мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида

аҳоли, айниқса ёшларнинг бандлигини таъминлаш масалалари, Ўзбекистон Ҳукуматининг диққат эътиборида эканлигини қайд этиб ўтди.

Бу ўринда, ишсизларни ва банд бўлмаган аҳолини меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб-хунарга қайта ўқитиш ва малакасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги КОICA билан ҳамкорликда “Ўзбекистонда касб-хунарга ўқитиш имкониятларини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида Шаҳрисабз шаҳрида навбатдаги замонавий Касб-хунарга ўқитиш марказлари ташкил этилаётганлиги айтиб ўтилди.

Бу йўналишда Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ташкил этилган Касб-хунарга ўқитиш марказларида ҳозирги кунга қадар уч мингга яқин ишсиз фуқаро таҳсил олиб, тўлиқ иш билан таъминланди.

Марказларда республика меҳнат бозорларида юқори талабга эга бўлган – авточилангарлик, автомобиль двигателларини таъмирлаш, автотранспорт воситаларини диагностика қилиш, таъмирлаш ва техник хизмат қўрсатиш, пайвандлаш ишлари, чилангарлик, металлга ишлов бериш, электрон қурилмалар, майший электрон техника, радио ва телевисуналарни таъмирлаш ва сервис хизмати қўрсатиш, компьютерларни дастурлаш, компьютер ва бошқа оргтехникага хизмат қўрсатиш ва таъмирлаш йўналишларида касб-хунарга ўқитилади.



Ушбу марказларнинг ўзига хослиги шундаки, Корея Республикасининг етакчи техник университетлари эксперталари иштирокида белгиланган йўналишлар бўйича жаҳон тажрибасини инобатга олган ҳолда, давлат таълим стандартлари асосида бутунлай янги ўкув режа ҳамда ўкув дастурлари ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди.

Марказларга мамлакатимизнинг етакчи олий ва ўрта маҳсус таълим муассасалари ўқитувчилари орасидан танлаб олинган малакали мураббийлар Жанубий Кореядаги Таълим ва технологиялар университетида малака ошириб, ўз тажрибаларини амалиётга тадбиқ этишади.

Энг муҳими, бу марказларни битириб чиқсан фуқароларимизнинг бирортаси ҳам ишсиз қолмайди, барчаси аввалдан иш берувчилар билан аввалдан тузилган шартнома асосида тўлиқ иш билан таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва КОICA ўртасида ҳамкорлик бу билан чегараланиб қолмаслигини: бугунги кунда имзоланган ҳукуматлараро Келишув доирасида Урганч ва Қўқон шаҳрларида ҳам шундай Касб-хунарга ўқитиш марказини ташкил этиш бўйича ишлар жадал бошланганлиги қайд этилди.



Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги Ахборот хизмати